



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 23 сентябрь, № 185 (6368) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 сентябрь куни Оқсаройда Корея Республикаси Экспорт-импорт банки (Эксимбанк) президенти Ли Дук Хунни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама ва изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидан кейин илк давлат ташрифи билан жорий йилнинг май ойида Корея Республикасига борди. Ушбу ташриф ўзаро манфаатли серқирра ҳамкорликнинг миқдоси ва истиқ-

болларини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси Эксимбанки ўртасидаги инвестициявий шерикликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар ташриф доирасида "Асака" акциядорлик тижорат банки билан Эксимбанк ўртасида 160 миллион АҚШ доллари миқдоридида кредит тақ-

дим этиш бўйича банклараро битим имзоланишини юқори баҳолади. Мамлакатимизда стратегик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда иштирок этаётган Корея Республикаси Эксимбанки Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани минтақасидаги асосий шерикларидан биридир. 1999 йилдан буён Ўзбекистонда мазкур банк маблаглари хисобидан 935 миллион АҚШ доллари миқдориди-

ри лойиҳалар амалга оширилди. 2012 йилдан буён умумий қиймати қарийб 1,2 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда, яна 900 миллион доллар миқдоридидаги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Эксимбанк Сурғил қони негизидида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуасининг асосий кредиторларидан бири эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Банк бу йirik лойиҳага бир миллиард АҚШ долла-

ри миқдоридида кредит ажратган. Ли Дук Хун самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Эксимбанк Жанубий Корея ишбилармон доиралари қаторида Ўзбекистон билан ўзаро фойдали ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ў.А.

Сарвар ҲАМИДОВ олган суратлар.

## БИЗ ВА ЖАҲОН



Корея Республикасидаги қатор матбаа нашрларида мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти ҳамда Ўзбекистон — Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар мавзусига бағишланган хабар ҳамда мақолалар эълон қилинди.

### Корея Республикаси ОАВ: «Ўзбекистон улкан муваффақиятларга эришмоқда»

Жумладан, "The Korea Post" журналида юртимизнинг иқтисодий ривожланиши омилларига тўхталинар экан, Ўзбекистонда миллий тараққиёт модели асосидаги ислохотлар изчил амалга оширилаётгани натижасида улкан муваффақиятларга эришилаётгани эътироф этилади. Билдирилганидек, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технология жихатдан янгилаш бўйича дастурий чора-тадбирлар самараси ўлароқ, 2000 — 2014 йиллар даврида меҳнат самарадорлиги 2,2 баравар ўсди.

Нашрда глобал молиявий-иқтисодий индустриалнинг салбий таъсирига қарамай, сўнгги 17 йил давомида Ўзбекистон савдо балансида ижобий сальдо барқарор равишда таъминланганлиги муштарийлар эътиборига ҳавола қилинган. Шу билан бирга, республикаимизда иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кенгайти-

риш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга ҳам юқори баҳо берилган. "Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли ташқи бозорларга миллий маҳсулот етказиб бериш 30 баравардан зиёд ошди. Самарадор тизимли ҳамда сармоявий сиёсатнинг ҳаётга изчил татбиқ қилинишида 2006 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим ўрин тутади. Ҳозирги пайтда унинг устав капитали 25 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади", дея ёзилади журналда.

"The Korea Herald" газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистонга "Янги Ипак йўлининг ўсиш нуқтаси" дея таъриф берилган. Унда Жанубий Кореянинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини қўллаб-қувватлаб келаётгани ҳақида атрафлича фикр юритилди.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Хитой ишбилармонлари бизнес-форуми бўлиб ўтди.

### Ўзбекистон — Хитой бизнес-форуми

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг нефть-кимё, кончилик, электроника, машинасозлик саноати, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм соҳаларига маъсул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги тенг манфаатли алоқалар барча йўналишда, жумладан, иқтисодиёт, савдо-саноат соҳаларида изчил ривожланмоқда. Юртимизда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган корхоналар сони 582 тага етгани, Хитойнинг етмишдан ортиқ компанияси ўз ваколатхонасини очгани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, Хитой Ўзбекистоннинг энг йirik савдо-сармоявий шерикларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳамми муттасил равишда ошмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## СУДДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислох этиш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳрида "Жиноят ишлари бўйича судларда иш юритишни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар таъриби" мавзусида ташкил этилган халқаро конференцияда мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотларни ривожлантириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид масалалар муҳокама этилди, бу борада таъриб аламли.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти (Словения), К. Аденауэр номидидаги жамғарманинг (Германия) минтақавий бюроси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатаси депутатлари, Олий суд, жиноят ишлари бўйича вилоятлар судлари судьялари, прокуратура, ички ишлар идоралари масъул ходимлари, адвокатлар, олимлар, Германия, Дания, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Сербия, Франция каби давлатлардан мутахассислар иштирок этди.

Конференцияда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда ислох этиш ва эркинлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Соҳага оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Судлар фаолияти такомиллашиб, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини кафолатлашнинг мустақам асос-

лари яратилди. Шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Хусусан, кўплаб жиноятлар таркиби ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилган, ярашув институти жорий этилгани инсон ҳуқуқлари юксак даражада таъминланганига хизмат қилаётган. Бундай ислохотлар натижасида 2014 йилда озодликдан маҳрум қилинганлар сони 2000 йилдагига нисбатан 16,5 фоиз камайган.

Мамлакатимизда "Хабас корпус" институтининг жорий этилгани, 2008 йилдан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани муҳим қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида, пухта ўйлаб қабул қилинган бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтининг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбек пахта толаси — дунё эътирофида



Жорий йилнинг 15-16 октябрь кунлари бўлиб ўтаётган навбатдаги ярмарка хорижий компаниялар учун серқуёш заминимизда етиштирилган юқори сифатли пахта толаси ҳамда рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш учун қўлай имкониятлар. Шу боис унда қатнашиш истагини билдираётганлар сони тобора кўпаймоқда.

Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида юртимизда ўзанинг истиқболли навларини яратиш, уларнинг энг мақбуллари худудларнинг тупроқ-климат шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш, мўл пахта ҳосили етиштириш, уни сифатли

сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, буюртмачиларга ўз вақтида етказиб бериш бўйича қўлай ва кафолатли механизм яратилди. Натижада пахта толанинг сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланиб, ташқи бозорда унга бўлган талаб тобора ортиб бораёпти. Бу жараёнда Ўзбекистон "Сифат" маркази жамоаси ҳам пахта толасини синаш ва сертификатлашнинг дунёда тан олинган усул ва услубиятини жорий қилаётган ҳамкорлар сафининг кенгайишига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Ҳақ шундаки, марказимизнинг 13 та худудий лабораторияси энг замонавий синнов ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, уларда пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган толанинг ҳар бир тоғи бўйича сифат кўрсаткичларини аниқлаш ҳолда, сертификатлаш йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

### КОНФЕРЕНЦИЯ

Мамлакатимизда хусусий сектор вакилларига кенг имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Пировардида мазкур соҳа иқтисодиётнинг мустақам таянчига айланиб, кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ортиб бораётган. Бунинг амалий самараси эса бозорларимиздаги мўл-кўлчилик, аҳоли турмуш фаровонлигида яққол кўзга ташланаётган.

### Қўлай ишбилармонлик муҳити хусусий сектор ривожидида ҳал қилувчи омил бўлмоқда

Самарқандда "2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, тартибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзусида бўлиб ўтган конференция-семинарда шу ҳақда сўз юритилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, тегишли бошқарма ва идоралар, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган анжуманда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, улар учун берилган имтиёзлар қўламини йил

сайин кенгаётгани алоҳида таъкидланди.

Айтиш керакки, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлар фаолиятига аралашувларни чеклаш юзасидан зарур ислохотлар амалга ошириляпти. Бу борада кейинги йилларда бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинган айни мuddао бўлди.

(Давоми 2-бетда).

### ШУКУҲ

Тинч ва осийишта, озод ва обод юртда яшаш — инсон учун олий саодат. Шу маънода, биз осмони мусаффо, кундан-кун чирой очиб бораётган, ҳар қарич тупроғи азиз ва муқаддас Ватанда умргузаронлик қилаётганимиздан чексиз фахру ифтихор туямиз. Зеро, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидан ҳар биримиз баҳраманд бўлмоқдамиз.

Айтиш жоизки, мустақиллик шарофати билан муқаддас динимизни, азиз-авлиёларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, табаррук қадамжоларни обод қилиш, аёнана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш борасида кўплаб хайрли ишлар бажарилди. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ҳам изчил давом этмоқда. Юртимиз ташаббуси билан Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти инобатга олиниб, мамлакатимизда умумхалқ байрами си-

### Истиқлол саодати ва шукроналик

фатида кенг нишонлаб келинаётгани, айниқса, эътиборга молик. Ушбу айёмларда юртдошларимиз эътиқод амалларини эмин-эркин адо этиб, тинчлик-осойишталик, кут-барақа ҳамда фаровон ҳаёт ҳақида дуо қилишди, ризолик ва шукроналик билдиришди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафтада эълон қилинган "Қурбон ҳайитини ни-

шонлаш тўғрисида"ги қарорини юртдошларимиз катта хурсандчилик билан қутиб олишди. Хайру саховат, меҳру муруват каби эзгу амаллар бажарилгани мазкур байрамни қўлагини руҳда ўтказиш учун мамлакатимизнинг барча жойларида зарур чора-тадбирлар қўрилди.

(Давоми 2-бетда).





